

Ўзбекистон болалари ва ўсмирларининг газетаси

БАЛКИ, ФАЛОКАТ ЮЗ БЕРМАСМИДИ?

Кизим Гулнора 7-синфда ўқийди. Кунини кеча у мактабдан қайтиб келди-да, шоша-пиша кийимларини алмаштира бошлади. "Гулчеҳранинг онаси вафот этибди. Шунга синфдошимизнинг кўнглини сўрагани кетяпмиз", деди у хафақол. Унинг гаплари менга жуда ғалати таъсир қилди. Чунки мен Гулчеҳранинг онаси — Нафиса опани бир кун аввал маҳаллада учратган, ҳол-аҳвол сўрашиб ўтиб кетгандим. Шунинг учун ҳам бу гапларга ишонгим келмади. Кейинроқ, Гулнора уйга қайтгач, воқеа тафсилотини билдим-у, жуда афсусланиб кетдим...

Нафиса опа билан узоқ вақтдан буён маҳалладошимиз. Кўп маърака, тўйларда бирга бўлганмиз. Маҳалладагилар унинг ҳаёти бироз оғир кечгани, бу турмуш қийинчиликлари сабаб у ўта таъсирчан, асабий бўлиб қолганини билишарди.

Гулчеҳрадан кичиги — укаси Носир табиатан шўх бола бўлиб, ўқитувчисининг гап-сўзларига кўп қулоқ тутмай, дарс ўтишига кўпда халақит бераркан.

Фалокат юз беришидан бир кун олдин ўқитувчисининг жуда аччиғи келиб, Носирнинг юзига шапалоқ урибди. Эртасига Нафиса опа муаллима билан "гаплашиб қўйгани" келибди. Иккиси анча асабийлашибди. Нафиса опа ўғлини, ўқитувчи эса ўз фикрларини ёқлаб, бироз тортишув келиб чиқанининг ўқувчилар гувоҳи бўлишибди. Мактабдан асабий ҳолда чиқиб, ишга йўл олган Нафиса опа катта кўчадан ўтаётганда яқинлашиб келаётган машинани сезмай қолибди-ю... Бу воқеа ҳамма учун бир сабоқ. .У

кўнглини қанчалик титратса, шу қадар кишилар билан ўзаро муносабатда эҳтиёткор бўлишга ўндайди. Тўғри, бугун ўсиб келаётган болаларнинг эркалигини, тантиликларини кўтариш ўқитувчи учун бироз қийин. Аммо ўқитувчилик касби шу машаққатни енгишни тақазо этади. Шу билан бирга 20-30 болага ҳам билим, ҳам тарбия бераётган муаллимни ҳам тушуниш, баъзан ўғли ёки қизининг уйга у ҳақда "судраб" келган ортиқча гаплари учун мактабда асаббузарлик қилиш ҳам шарт эмас. Ҳар икки томон шу ҳолатларни ҳисобга олишганда, фалокат юз бермасмиди?..

Қ. ҲАЛИЛОВА,
Тошкент шаҳри, Сирғали тумани.



"...Азиз устоз, уйга берган вазифангизни ёзаяпману, кўнглим алланечук ғалати бўлиб боряпти. Нега дейсизми? Билмадим, балки ойижоним йўқлигидандир. Уларни жуда-жуда кўмсайман. Уйимиз тўрида осиглиқ турган ойижонимнинг сувратига, табассуми ёниқ чехрасига соатлаб боқаман..."

"ИНШО ёки
"ЎҚИТУВЧИМГА ХАТ"

2-БЕТ



Ана шу сифатларни болаларга сингдиришда эртақ жуда кўл келади. Чунки у мурғак қалбга яқин, уни ром этадиган жанрдир. Шунинг учун ҳам биз эртақлар асос қилиб олинган асарларни жондиллимиз билан саҳналаштирамиз

"ЭРТАҚ БИЛАН УЧРАШУВ"

3-БЕТ



Атоқли ўзбек шоири Элбек — Машриқ Юнусов болаларни севган, уларга меҳр билан муомала қилган қалби дарё шоир, кўкси уммон мураббий эди. 20-30-йиллар ўзбек адабиётини Элбекчалик болаларни севган, уларга атаб шеърлар, эртақлар, дostonлар, топишмоқлар, кўшиқлар ёзган ижодкор бўлмаган.

"БОЛА ҚАЛЬЛИ ШОИР ЭДИ"

4-БЕТ



МЕН СЕНГА АЙТСАМ...

— Мен сенга айтсам, ер шаримизни каттакон ҳўкиз шохларида кўтариб турармиш.

— Э, қўйсангчи, бу — эртақ. Яхшиси ойимларни музқаймоқ олишга кўндирайлик.

— Э, томоқларинг оғрийди, деб барибир олиб бермайдилар.

— Бўлмаса, дадамлардан сақичга пул сўраймиз.

— Улар ойлигимни олай, кейин, дейдилар.

— Сен ростдан ҳам ер шаримизни каттакон ҳўкиз кўтариб турганига ишонсанми?

— Ҳа, бунга ишонаман.



УСТОЗЛАРНИНГ УСТОЗИ

Кўчқор ота Маҳмудовни Қибрай тумани, Унқўрғон қишлоғининг каттаю кичиги ҳақли равишда шундай деб атайдилар. Бунинг боиси бор, албатта. Қишлоқдаги 30-мактабнинг пойдеворини қуришда қатнашиб, то ҳозирги кунгача ана шу мактабга раҳбарлик қилиб келаётган Кўчқор ота ҳозирги кунда ўқувчиларга сабоқ бериб келаётган мазкур мактаб ўқитувчиларининг 70 фоизидан кўпроғига устозлик қилган.

1963 йилда болаларга меҳри баланд, фидойи инсон Шароф Рашидовнинг ташаббуси билан қад кўтарган бу мактаб Кўчқор ота каби инсонларнинг саъй-ҳаракатлари туфайли янада кўркамлаша, замонавийлаша борди. 1975 йилда мактабнинг янги ўқув корпуслари ишга туширилди. Қадрдон мактабини дилдан севган, унинг қувончу шодликларини, ташвишларини ўзиники билган Кўчқор ота мактабнинг моддий базасини мустаҳкамлаш йўлида изланди. Ҳар бир фан учун алоҳида мослаштирилган хоналар, адабиёт, тарих музейлари ташкил қилинди.

Тиниб-тинчимас Кўчқор отанинг бўш вақтлари деярли йўқ ҳисоби. Мактабда ўқувчилар таълим-тарбияси хусусида ота-оналар билан иш олиб бориш билан биргаликда тумандаги мактаб директорлари кенгашига ҳам раҳбарлик қилади.

Кўп йиллик фаол педагогик меҳнатлари эвазига Кўчқор отани ҳукуратимиз муносиб тақдирлаган. У киши "Ҳурмат

белгиси ордени", "Фидойи меҳнати учун" медали ҳамда "Меҳнат фахрийси" нишонлари соҳибидир. Шунингдек, Кўчқор ота "Ўзбекистон халқ таълими аълочиси" ва "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи" деган шарафли номларга ҳам сазовор бўлган инсон.

Куни-кеча Кўчқор ота Маҳмудовни пенсияга кузатиш юбилей маросими бўлиб ўтди. Ушбу тантананага туман ҳокимияти ходимлари, мактаб жамоаси, ота-оналар ҳамда отанинг шогирдлари алоҳида ҳозирлик кўрдилар. Шу куни ҳамма Кўчқор отага энг самимий эзгу ниятларини билдиришди.

— Кексаликни ҳали-вери тан олмайман, — дейди самимий кулиб Кўчқор ота. — Куч-қувватим бор экан, халқим хизматида бўламан. Чунки, қадрдон мактабим, азиз шогирдларим умримнинг мазмунига айланиб қолган.

Суратда: Кўчқор ота Маҳмудов набиралари даврасида.

Р. АЛБЕКОВ суратга туширган.



Жаҳоннинг
— тинч
қўлларидан

Сентябр ойда Намангандаги болалар уйи ташкил топганига 75 йил тўлди. Аммо тарбиячилар ва болалар бу санани байрам кайфиятида кутиб олишаётгани йўқ.

Бундан уч йил муқаддам вилоят марказидаги иккита: мактабгача ва мактаб ёшидаги болалар уйи бириктирилган эди. Янги болалар уйи боғча учун қурилган бинога кўчиб ўтди. Шу билан хурсандчилик ҳам тугади. Тарбияланувчиларнинг кўпчилиги мактаб ёшидаги болалар бўлишига қарамасдан, бу ердаги шароит ҳамон боғча болаларига мўлжалланган: кароватлар кичкина, болалар уларнинг иккита, гоҳо эса учтасини бириктириб етишига тўғри келади. Катта мактаб ёшидаги болаларнинг шароити эса бундан ҳам баттар — 21 нафар болага 15 та кароват ажратилган. Диван,

креслолар, ҳатто оддий стуллар ҳам етишмайди.

Болалар уйи ҳудудда на ҳаммом, на бирор устaxonа, на дам олиш хонаси бор. Ҳатто, футбол ўйнайдиган майдонча ҳам йўқ. Боғчанинг спорт зали ошхонага айлантирилган. Бу ерда ҳам жиҳоз ва идиш-товоқ етишмайди.

Болалар уйи бутунлай қаровсиз қолгани йўқ, албатта. Ҳомийлар бор, қўлидан келганча ёрдам беришапти. Мисол учун, яқинда бино текин таъмирланди. Аммо, ҳомийларнинг ҳиммати билагина муаммо тўла ҳал бўлиши қийин. Тақдир тақазоси билан иссиқ гўша ва ота-она меҳридан жудо бўлган болалар дурустрок эътиборга лойиқ эмасми?

Н. ХУЖАЕВА,
ЎЗА муҳбири.

ЎҚИТУВЧИ ЎҚУВЧИНИ ТУШУНМАСА...

Маъмура опа бизнинг синф раҳбаримиз. Ҳар доим озода, чиройли кийиниб юради. Синфдош қизларни ҳам доим ана шундай юришга чақиради. Баъзан ёқаси ёки ениги кир кўйлак кийиб келганларни кўрса, жиги-бийрони

чиқиб, танбех беради. Уларнинг бу характерлари бизга маъқул бўлиб, қизларимиз уларга ўхшашга ҳаракат қилишади. Аммо кейинги кунларда бўлиб ўтган воқеа улар ҳақидаги тасаввуримизни тамомила ўзгартириб юборди.

Маъмура исмли синфдошимизнинг отаси жуда ёшли-гида қаза қилганди. Оилада тўрт фарзанд бўлиб, онаси қуруқ маошга рўзгор тебратарди. Аввалги йилларда

Маъмура ва унинг кичик укаларига мактабдаги ёрдам фондидан кийим ажратила борилди. Биз юқори синфларга ўтгач синфдошимизнинг ўзи бу ки-йимларни олишдан тортинадиган бўлиб, бундай ёрдамчи фонднинг ўзи ҳам йўқ бўлиб кетди. Маъмура кийимларининг фарқи бошқаларникидан билиниб қолди...

Маъмура опа дарсларнинг бирида кийиниш одоби ҳақида гап бошлади. Кийим, уни сақлаш ҳақида сўзлай туриб айрим қизларнинг кийи-нишларини мисол қилди.

— Шохиданинг кийинишида ўзгача дид бор. Гулбаҳор доим озода кийинади. Фақат, мана, Маъмуранинг кийимлари...

Ранжиган Маъмуранинг сўлғин чехрасини кўз олдимга келтириб, муаллимимизнинг сўзларини эслагим келмайди. Ушанда кўнгирак чалиниши билан у оҳиста туриб синфдан чиқиб кетдию шу билан қайтиб мактабга келмади. Бир неча кунлардан кейин Маъмуранинг ойиси келиб, унинг ҳужжатларини олиб кетгани ва у ишга жойлашгани ҳақидаги хабарни эшитдик.

Мени таажжубга солаётган бир нарса: наҳотки гўзаллик ҳақида узоқ сўзлай оладиган, кўнгли ҳам нозик инсон биз — ёш болалар тушуниб турган ҳақиқатни тушунмаса? Наҳот бошқалар кўнгли ҳам ўзиники каби мўрт эканлигини тушунмаса? Ахир у ўқитувчи-ку! Ўқувчини ўқитувчи тушунмаса?..

Ғ. ҚОДИРОВ.

Самарқанд шаҳри, Муқддий кўчаси.

... Математикадан кеча олган амалий ишларни текширишга берилиб кетганимдан кеч кириб қолганини сезмай қолибман. "Қолганини эртага текширарман" деган ўйда столни наридан-бери йиғиштириб равоққа чиқдим. Ҳамқасб кўшним — Абдулла ака билан уйга қайтмоқчи бўлиб "Она тили ва адабиёт" хонасига мўраладим.

— Устоз, кеч бўлди, кетмаймизми, — дедим зарур иши бор одамдек шошиб.

— Ҳа, кеч, кеч... — деди у тутилиб, сўнг менга шу қадар мунг билан тикилдими, ҳеч нарсага тушунмай қолдим.

"Нима гап ўзи?" дедим таажжубланиб. "Мана буни ўқиб кўринг" дея қўлимга сариқ жилдли дафтарни тутқазди. Дафтарни эриниш билан варақлаб, "Мен дадамга кўмакчи" деб номланган иншонони ўқий бошладим:

"... Азиз устоз, уйга берган вазифангизни ёзаянману, кўнглим алланечук галати бўлиб борапти. Нега дейсизми? Билмадим, балки ойижоним йўқлигидандир. Уларни жуда-жуда кўмсайман. Уйимиз тўрида осиглик турган ойижонимнинг

сурати, табассуми, ёниқ чехрасига соатлаб боқаман. Қанийди ойим тирик бўлсалар. Ҳамиша қанотлари, дастёрлари бўлардим. Нега ойим ҳаётдан эрта кетган? Дугоналарим каби

ИНШО ёки "ЎҚИТУВЧИМГА ХАТ"

Раҳмон ҚОДИР

мени ҳам ойим эркалашини, бошимни силаб иссиқ бағрига босишларини истардим. Ойим бўлганида ҳамма қатори "Мен ойимга кўмакчи" мавзуда иншо ёзардим. Ҳозир-чи... Йўқ, йўқ, дадасидан нолияпти, деб ўйламанг, асло. Дадажоним кези келганда ҳам она, ҳам ота. Ҳеч нарсага муҳтож қилмай оқ ювиб, оқ тарайди. Дадамнинг огирини енгил қилгим келади. Уйларни супураман-сидираман.

Кирларини юваман, овқат пишираман. Барибир кўнглим

тўлмайди.

Кўпроқ иш қилгим келаверади.

... Қариндошларнинг айтишига қараганда, ойим врач Шукуровнинг лоқайдлиги туфайли қурбон бўлган эканлар. Виждон

олдида қийналмайсизми, врач Шукуров? Йўқ, қийналмайсиз, чунки сиздаги виждон аталмиш ҳиснинг ўрнини ўрам-ўрам пуллар эгаллаб олган. Сиз уларни ҳатто ту-

шингизда ҳам кўриб чиқасиз.

... Байрамларда ойижоним суврати қаршисида узоқ термулиб ўтираман. Назаримда худди ойим сувратдан чиқиб, мени кучадигандек, етаклаб байрам намойишларига олиб борадигандек туюлаверади. Бу дунёда ҳеч ким мендек азизи — ойисидан жудо бўлмасин, етимлик гамини чекмасин экан.

... Қадрли муаллим, яна икки оғиз гапим бор. Бизга биринчи йил дарс берайспиз. Афсуски, ўз ўқувчиларингиз қалбини ҳали

чуқур билмайсиз. Уларнинг дардига-дардманд, қувончига шерик бўлолмаёпсиз. Нукул ўқишни, боз устига аъло ўқишни талаб қиласиз. Бирок, ўқувчиларингизнинг уйида не аҳвол, қалбида не гам, не гусса бор — бу билан ишингиз йўқ...

... Ўқитувчилар ҳақидаги фикримни иншода баён этганим учун узр сўрайман. Балки сизлар ҳақдирсиз. Режадаги дарсларни ўзгартиришга ҳаққингиз йўқлигини ҳам яхши биламан. Аммо барибир болалар ички дунёсини, кўнглини билишингиз лозим".

... Дафтарни ёпдим. Унинг устига "5-А синф ўқувчиси Сайдалиева Гулруҳнинг адабиётдан ёзма ишлари, деб ёзиб қўйилган эди. Кўз ўнгимда собиқ синфдошим — Қосим ва унинг қизи Гулруҳ пайдо бўлди. Мени қизгинанинг андуҳлар ситамини, мунгга тўлган кўзларини тезроқ кўриш, унга нимадир деб далда бериш истаги тинч қўймасди. Хаёлимда эса бир фикр ҳоким: "Ўзгалар дардини ўз дардим деб бил".

Борлиқни қоронғулик қоплаганида Абдулла ака иккимиз Гулруҳнинг уйи томон йўл олдик.



Ўқувчиларнинг ёзги таътил кунларида “Дўстлик манзилгоҳлари” рукнимизга келаётган хатлар сони сезиларли даражада камайган эди.

Ўқишлар бошланиши билан эса бу мазмундаги мактублар яна кўпайди.

Қуйида янги дўстлар билан таниш мақсадида муҳарририятимизга ўз манзилларини йўллаган айрим тенгдошларингиз билан танишасиз.

Улар билан самимий дўстлашишингизни биз ҳам жуда истаймиз.

ДЎСТЛИК МАНЗИЛГОҲЛАРИ


Мақтабимизда ташкил қилинган дўстлик клубимизнинг номи “Оқ кабутар”. Унга бундай ном қўйишимизнинг боиси бор, албатта. Оқ кабутар-дўстлик рамзидир. Бироқ дўстларимизнинг сони унчалик кўп эмас. Шу боис манзилгоҳимизни газета орқали эълон қилишимиз.

Республикамизнинг турли бурчақларидан тез орада мактублар олишга умид қиламиз.

702432. Тошкент вилояти,


Оҳангарон тумани, 15-мактабнинг

“Оқ кабутар” клубига, деб ёзинг.



Мен Наманган вилоятининг “Тўда” қишлоғида яшайман. Қишлоғимиз менга жуда ёқади. Хушманзара, чиройли, ҳавоси мусаффо. Шаҳарга жуда кам борганимданми, у ерларда яшайдиган тенгдошларим турмуш тарзига жуда қизиқаман. Шу боис шаҳарлик тенгдошларим билан дўстлашсам, дегандим. Хат орқали бир-биримизнинг қизиқиш ва интилишларимиз билан яқиндан танишамиз, имкон бўлса, меҳмонга ҳам борамиз.


717403, Наманган вилояти, Норин тумани, “Мингчинор” маҳалласи, 6-уй. Насиба ХУЖАМБЕРДИЕВА.



Газетадан Зилола исмли қизнинг манзилгоҳини олиб мактуб ёзганимиз. Маълум бўлишича, Зилолага жуда кўп дўстлик мактублари келибди. Уларнинг барчасига жавоб ёзишнинг имкони бўлмаганидан, айрим хатларни Лайло исмли дугонасига берган экан. Орадан бироз вақт ўтгач, менга Лайлодан хат келди ва биз дўстлашиб олдик. Лайлодек дугонам борлигидан хурсандман.


709104. Жиззах вилояти, Зомин,

тумани, Молгузар жамоа хўжалиги, “Аччи” қишлоғи. Райҳон ЙЎЛДОШЕВА.



Мен андижонлик Наргиза деган қиз билан танишган эдим. Бир умрга дўстлашамиз, деб ахдлашган ҳам эдик. Лекин... Неча бор хат йўллайман, бари жавобсиз қоляпти. Муҳарририятга манзилгоҳимни йўллашимдан мақсад, дўстликни ардоқлайдиган тенгдошларим билан дўстлашмоқчиман.

705030. Бухоро шаҳри, 5-микрорайон, А. Сомий кўчаси, 10-уй, 23-хонадан. Нилуфар ҚОДИРОВА.



Оқ қора, кўнғир, қулранг тусли момиқ қуёнларини меҳр билан парварши қилаётган бу боланинг исми Сардор. У фанларни аълога ўзлаштириши, намунали хулқи билан кўпгина тенгдошлари орасида ажралиб туради.

Жониворларга, паррандаларга меҳри баланд. Худди ана шу меҳр уни ёш ўлкашунослар тўғарагига етади. Сардор дарсдан бўшадими, тўғаракка, суюкли жониворлари ёнига ошиқади. Меҳр билан парварши қилаётган қуёнчаларининг сони кўпайиб бормоқда.



Суратда: Сардор АКИМОВ қуёнлари билан “тиллашяпти”.

Р. АЛБЕКОВ туширган сурат. Сирдарё шаҳри.



Театр саҳналарида ЭРТАК БИЛАН УЧРАШУВ



Йўлдош Охунбобоев номидаги республика Ёш томошабинлар театри мухлислар билан бурч, масъулият, юртга меҳр-муҳаббат сингари ахлоқий муаммолар тўғрисида кўпинча эртақ воситасида мулоқот қилади. Чунки, яхшилиқнинг ёмонлик устидан тантанаси эртақда жуда мафтункор тарзда намоён бўлади. Театр Маматқул Ҳазратқуловнинг “Афанди”нинг саргузаштлари деб аталган эртақ-пьесаси асосида саҳналаштирган янги спектаклда ҳам бу яққол сезилиб туради.

Режиссёр Омон Шарипов, rassom Дониёр Ҳасанов пьесанинг долзарб мавзуи ва замонавий руҳини чуқур ҳис этиб ажойиб, ҳаётбахш томоша яратганлар. Спектакль бош қаҳрамони Шоҳ Афанди қиёфасига кириб, мамлакат фуқароси қандай яшаётганини, унинг қувонч ва ташвишларини билмоқчи бўлади.

— Театр болаларда меҳрибонлик, катталарни иззат қилиш каби фазилатларни тарбиялашга даъват этади, — дейди режиссёр Омон Шарипов.

— Ана шу сифатларни болаларга сингдиришда эртақ жуда қўл келади. Чунки у мурғак қалбга яқин, уни ром этадиган жанрдир. Шунинг учун ҳам биз эртақлар асос қилиб олинган асарларни жон-дили-миз билан саҳналаштирамиз.

Маматқул Ҳазратқуловнинг “Меҳр кўп кўргуздим” драмаси, мана кўп йилдирки, саҳнамиздан тушмай келади. Театримиз жамоаси ўзининг сеvimли муаллифи билан яна учрашди.

Л. СТРУННИКОВА,
ЎЗА мухбири.


ЎЗИМ ТАЙЁРЛАДИМ, МАЗАЛИМИ?

Менга ушбу руки остида бериб бориладиган фойдали маслаҳатлар, турли таомлар ҳамда ширинликларни тайёрлаш ҳақидаги йўл-йўриқлар жуда ёқади. Ўйлашимча, бундай маслаҳатлар барча қизларга келгуси ҳаётларида асқотади. Ана шундай маслаҳатлардан фойдаланиб тайёрлаган таомларим, ширинликларим оила аъзоларимизга ҳам маъқул бўляпти. Шунингдек, меҳнат таълими дарсларида ҳам жуда кўп инарсаларни — тикиш, бичиш, тўқиш, овқат пишириш, ширинликлар тайёрлаш каби қиз болалар юмушларини ўрганиб боряпмиз. Яқинда, меҳнат таълими муаллимимиз бизга печенье пиширишни ўргатдилар. Уни қандай тайёрлаш ҳақидаги йўл-йўриқларни тенгдош дугоналарим билан ўртоқлашишни истардим.

МАРГАРИНЛИ ПЕЧЕНЬЕ

Ярим пачка маргаринни қилиб ёясиз ва турли шакллар киргичдан ўтказиб, пичок ёрдамида, (агар шаклчалар ёрдамида ун билан бўлмаса, қичкина стакан ёрдамида) кесиб оласиз. Газ патнисига териб, юзига тухум сариги ҳамда шакар сепасиз. Кейин ўртача оловда, усти кизаргунча пиширасиз. Қарабсизки, печенье тайёр.

Гулабном ЭРҚУЛОВА,
Тошкент вилояти, Бўка тумани.



Ҳамза номидаги ўқувчилар ижод уйининг метод маркази қошида Ўзбекистон Болалар ва Ўсмирлар Уюшмаси ташкил этилган. Бу маскан мактабларда, маҳалларда фаолият юритаётган болалар ҳаракати учун методик марказ бўлиб қолган. Ўз ташкилотларининг иштини янада ривожлантириш, янги-янги тажрибаларни ўрганиш учун бу ерга пойтахт мактаблари болалар етакчилари, ўқувчилар, ўқитувчилар

келиб туришади. Ижод уйи томонидан тайёрланган стенд ва альбомлар энг яхши кўргазмалар қўлланма вазифасини ўтаётир.

Суратда: Болалар ижод уйининг метод маркази ходимаси Назира Бўрибоева ўқувчиларга Уюшма мақсад ва тизимларини ўргатмоқда.

Р. АЛБЕКОВ суратга туширган.

Болани севмак — оилани севмак. Оилани севмак — элни севмак. Элни севмак — халқни севмак. Халқни севмак — миллатни севмак. Бу зуваласи пухта қорилган фикр бирлиги халқ томонидан яратилган. Ҳа, халқ яратган ҳар бир сўз таҳрирга муҳтож эмас, унинг силсиласида бир жаҳон маъно бор.

Атоқли ўзбек шоири Элбек — Машрик

БОЛА ҚАЛБЛИ ШОИР ЭДИ

Юнусов болаларни севган, уларга меҳр билан муомала қилган қалби дарё шоир, кўкси уммон мураббий эди. 20-30- йиллар ўзбек адабиётида Элбекчалик болаларни севган, уларга атаб шеърлар, эртақлар, дostonлар, топишмоқлар, кўшиқлар ёзган ижодкор бўлмаган. Усмон Носир, Фитрат, Чўлпон, Абдулла Қодирий, Зие Саид, Ботир Гулом, Тошпўлат Саъдий мазкур давр адабий мухитининг намоёндалари эдилар.

Ана шу юқори поғонада мағрур турувчи шоир Элбек булар орасида болалар адабиётида ягона юлдуз каби отилиб чиқди, болалар қалбини забт этиб ижод қилди.

Ахир ўйлаб кўринг, ўша ур-сур, бўҳронли қатагонлик йилларида болаларимиз ҳаёти билан қизиқиш, улар қалбига кириб, уларни юпатиш осон иш эмас эди. Элбек бу улуг ишга садоқат билан ендошиб, жасорат билан ижод қилди. Бола тарбиясини заковатли миллатимизнинг келажаги, ўзлимизнинг пойдевори, деб тушунди ва шу яхши ният йўлида қалам тебратди.

У 1920 йилдан бошлаб болалар тарбияси билан шугулланиб, масаллар, кўшиқлар, топишмоқлар, эртақлар ёзди, халқ оғзаки ижодиёти намуналарини тўплаб, болаларга совға қилди. Унинг "Қайси бири бўри?", "Кампирнинг товуқлари", "От ила одам", "Саног ўйин", "Лақашиқилдоқ", "Икки тулки", "Сичқонлар кенгаши" каби ўнлаб масал ва

ЭЛБЕК ТАВАЛЛУДИНИНГ 95 ЙИЛЛИГИГА

кўшиқлари, "Ўтмишим", "Этик" каби болаларга аталган ўнлаб дoston ва эртақлари ўша 30-йилларнинг бошларида яратилиб, болалар ҳаётида тарбиявий аҳамиятга эга бўлган ва хозир ҳам ўз кучини йўқотган эмас.

Элбек 1926 йили ёзувчи Камаровдан илҳомланган ҳолда Самарқанд-Тошкент тамғасида 16 саҳифали "Ҳайвонлар" номи билан суратли шеърый китобча чоп эттирди. (Куйроқда ушбу шеърлар билан танишасиз).

Мактабгача ешдаги болалар учун аталган ушбу китоб катта ҳажмда бўлиб, унда турли хил кушлар ва ҳайвонлар, табиат манзаралари шеърый матн орқали болалар тилига мослаб ифода этилади.

Жумладан, шоир қурбақа ҳақида тасвир бериб, кўл, қуёш ҳақида фикр баён этар экан, бу ҳайвоннинг яшаш жойи — ўт-ўланлар, кенг далаларни турли рангли бўёқлар билан кўрсатиб, уларни жозибали тасвирларда баён этади.

Хуллас, мактабгача ешдаги болаларнинг



меҳрибон дўсти, атоқли шоир Элбек ушбу "Ҳайвонлар" деб аталувчи китобда бола қалбини забт этиб, уларни она-табақат ва ҳайвонот дунёси билан таништиради, уларни севишга, асраб-авайлашга чақиради.

Ҳайдарали УЗОҚОВ,
тил-адабиёт фанлари номзоди.

ҲАЙВОНЛАР

(мактабгача ешдаги болалар учун суратларга шеърый изохлар)

ЧИГИРТАКАЛАР ВА БАҒЛАР СУРАТИГА

Кийиб олиб кўм-кўккина кўйлагин,
Шимариб олиб оппоқина биллагин.
Дик-дик учиб, кўнар чигиртка,
Экинларни-шилиб, тунар чигиртка.

ҚУРБАҚА, КЎЛ СУРАТИГА

Мана, мана қурбақа
Ашулачи — воҳ-воҳа.
Оёқларин узатар
Кўлда сакраб ҳар ёққа.

ЗАҒИЗҒОН СУРАТИГА

Зағизғон, ҳой, зағизғон,
Қаргаларга сенми хон!
Ола-була тўнинг бор,
Жуда узун думинг бор.
Қушчалар сандан қочар
Турқинг захарлар сочар.

ХҲҲҲҲ СУРАТИГА

Хўрозжон, ҳой, хўрозжон,
Тожингиз олтин, маржон.
Ипак соқолингиз бор,
Барча қушлар сизга зор.
Қани, бир қичқирворинг.
"Ку, ку-кув" "И" дейворинг.

ҚУЁН, ЎТ-ЎЛАН СУРАТИГА

Оқ қуён, оппоқ қуён,
Сакрайсан у ён-бу ён.
Икки хўзинг алтираб
Боғ ичида қалтираб.
Қулоқларинг тиклайсан
Ширин мева излайсан.

БЎРИЛАР СУРАТИГА

Қиш кунлари бўрилар,
Оч қолишиб увиллар.
Эшитганда товушини,
Қиши кўнгли шувиллар.

ҚАЛДИРҒОЧЛАР СУРАТИГА

Қалдирғочлар баҳорда
Биз томонга қайтишар.
Виқирлашиб, севиниб
Ашулалар айтишар.

ОЛТИНБАЛИҚ, КЎЛ СУРАТИГА

Олтинбалиқ сув сузар,
Думи билан сув чайқар.
Тўрнинг ипларин узар,
Ҳар нарсани тез пайқар.



ЧУМЧУҚЛАР СУРАТИГА

Уйимизнинг буготида чумчуқлар,
Эрта туриб чирқиллашар, ўйнашар.
"Чиқ, чиқ, чирик, чирик" деб
Онаси-ла сўйлашар.

ТУЛКИ, УЗУМ СУРАТИГА

Юриб-юриб оч тулки
Боққа кирди бир кун!
Пишган узумни кўриб
Емоқчи бўлди уни.
Оғзидан суви оқди,
Тикилди унга боқди.
Сакраб кўрди, бўлмади,
Кўнгли сира тўлмади.
Ночор, умидсиз қайтди,
Ушбу сўзларни айтди:
"Ҳали ғирт хом, ғўрадир,
Буни ейиш ярамас.
Ақли бўлгон жонивор
Бунга қайтиб қарамас".

ЗАРҒАЛДОҚЛАР ВА ДАРАХТЛАР СУРАТИГА

Учиб, кўниб чириллаб
Ўйнаб юрар зарғалдоқ.
"Кув-кув-кув" деб
Кимни излар зарғалдоқ.
Тўқ-тўқ-тўқ-тўқ этадир,
Ёғочни тешиб кетадир.
Билсангиз отин сўйлангиз
Билмасангиз, ўйлангиз!

БОЙҲҲҲ СУРАТИГА

Мен ўрмонда тураман,
Унда сайраб юраман.
Қоронгу дарахтзорлар
Ёки қўрқинч мазорлар
Менингдир турар жойим,
Шунда ўтар йил, ойим.

ЖЎР СУРАТИГА

Эрта тонг чоғи жўрлар сайрашар,
Осмонда учиб, ўйнаб-яйрашар.
Тўхтамай сира хўб чириллашар,
Қанотларини кўб шириллатар.

ЛАЙЛАК СУРАТИГА

Мен бобохожи эдим,
Қизларга бошчи эдим,
Қизлар ўйини тушмоқда
Мен ногорачи эдим.

Арабчадан таржима.



Уқитувчи:
— Яриморол деганда нимани тушунасиз?
Уқувчи:
— Яриморол... бу оролинг икки қисмга бўлингани.

КИМ КИМНИ УШЛАДИ

— Мен айниқ ушлаб олдим.
— Унда бу ёққа олиб кел.
— Юрмаяпти.
— Унда ўзинг кел.
— У мени кўйиб юбормаяпти.

ЎРИСЧАДАН ЖАҲОНГИР ФОЗИЛОВ ЎГИРДИ.




ШЕРЗОДЖОН!

Сени кутлуг 9 ёшга тўлишинг муносабати билан чин дилдан қутлаймиз! Сенга умрингнинг охиригача мустақкам соғлиқ, барча иш ва ўқишларингда муваффақиятлар тилаймиз! Билдимдон, одобли ва кучли бўлиб вояга етгин.




Самимий кутловлар билан: **АБДУЛЛАЕВЛАР** оиласи. Дадаг Нурилла, ойинг Маҳфуза, додаларинг Ҳамидулла, Баҳром, бу-виларинг Ҳақима ва Наима.



Ҳадемай оиламизда зўр шодиёна! Азиз ва сууюкли фарзандларимиз **РАЪНОХОН** ҳамда **БАҲОДИРЖОН**нинг турилган кунини. Шу муносабат билан уларни самимий қутлаймиз. Узоқ-умр, сиҳат-саломатлик тилаб қоламиз. Эзгу ниятлар билдириб: дадаси — Турдиев Рустам, Онаси — Турдиева Маҳбуба. Тошкент шаҳри.

Табриклаймиз!



Бош муҳаррир: **Ақром БЕРДИМУРОДОВ.**

Таҳрир хайъати:
Ф. ЖАЛИЛОВА, Т. КАРИМОВ, А. КЎЧИМОВ,
М. ПИРМАТОВ /масъул котиб/,
М. РАҲИМБЕРДИЕВА, Ш. СУННАТОВ,
Д. ТУРАХМЕТОВА.

Тасвир этилган:
ЎЗБЕКИСТОН ЕШЛАР ИТТИФОҚИ
МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИ
Газета 1) 29 йил, 1 августдан
«ЛЕНИН УЧКЎНИ» номи билан
чиқди бошланган.

Газета ҳафтанинг чоршанба кунини чиқаради

Маълумот учун телефон: 33-49-45

Бизнинг манзилгоҳ:
700083. ТОШКЕНТ ШАҲРИ,
ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32-УЙ.
Напр кўрсаткичи: 64563
Чоп этиш вақти — 18.00.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Маҳкамасининг Ишлар бошқармаси ҳузуридаги "ШАРҚ" нашриёт-матбаа концерни.

Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000137. Буюртма № Г-544. 29499 нусхада босилди. Ҳажми — 1 босма табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А-3.

Босишга топшириш вақти 19.00. Босишга топширилди 19.00.

1 2 3 4 5 6